

Ширинов Учқун Абдухалилович СамИСИ тадқиқотчиси
**АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА ДАРОМАДАЛР ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация: Мақолада алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш баён қилинган.

Калит сўзлар: даромад, ҳисоб, алоқа, хизмат, асосий фаолият даромади.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы совершенствования учета выручки в организациях, оказывающих услуги связи.

Ключевые слова: доход, счет, связь, услуга, доход от основной деятельности.


Annotation: The article describes the improvement of revenue accounting in the entities providing communication services.

Keywords: income, account, communication, service, main activity income.

Телефон алоқаси хизматларини кўрсатувчи корхоналарда хизматлар турларининг хилма – хиллиги улардан олинадиган даромадларнинг ҳам хилма-хиллигидан дарак беради. Бу эса уларнинг тасниф ва тавсифига қараб гуруҳларга тўғри ажратишни талаб қилади. Даврий адабиётларда телефон алоқаси хизматлари даромадлари таснифи, тавсифи, уларни тан олиш меъзонлари етарлича ўз аксини топмаган.

Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадларни ҳисоблаш чоғида даромад эътироф этилган пайтни аниқлаш асосий масала ҳисобланади. Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад хўжалик юритувчи субъектга келгусида иқтисодий наф тушиши эҳтимоли бўлган пайтда, шунингдек бу нафни ишончли ва аниқ ўлчаш мумкин бўлган пайтда акс эттирилади. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромад жорий нархларда олинган ёки олинishi лозим бўлган тушум қиймати бўйича баҳоланади. Даромад миқдори – олинган ёки олинishi лозим пул маблағи ёки унинг эквивалентларидан иборат. № 21-сон БҲМС га мувофиқ асосий фаолиятнинг даромадлари - тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалардан иборат.

Телефон хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадларни қуйидагича таснифлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Телефон хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромад турлари.

Телефон хизматларини кўрсатувчи корхоналарда даромадларнитан олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан корхона миждозлардан олдиндан тўловларни қабул қилиш орқали хизмат кўрсатади. Корхона даромадини миждозлар уларнинг хизматларидан фойдаланганидан сўнггина тан олади.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг бошқа субъектлардан фарқли жиҳатлари шундаки, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларидан олинган даромадларни яхлит тартибда ҳисоб-китоб қилиб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, кўрсатилаётган хизмат турларининг ҳар

бири бўйича даромадни аниқлашга асос бўлувчи база, бир бирлик хизмат учун белгиланган сотиш баҳоси (тариф), гувоҳлик берувчи ҳужжат ва бошқа мезонлар бўйича бир-биридан фарқланади. Шунингдек, даромад муҳим сегмент сифатида алоқа ва ахборотлаштириш субъектларининг барча филиаллари, боғламалари фаолиятининг бош кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бош офисда даромадларнинг сегментар ҳисобини тўғри юритилиши ва улар бўйича сенментар ҳисоботнинг тўғри тузилиши корхонанинг жами даромадида ҳар бир филиал ва боғламанинг ролига тўғри баҳо бериш имконини беради.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг бош офисда унга кирувчи филиаллар ва боғламалар кесимида улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг барча турлари бўйича олинадиган даромадни тан олиш, баҳолаш ва ҳужжатли асосини ўзида мужассамлаштирувчи қуйидаги шаклдаги “Даромадлар ҳисоб-китоби бўйича корхона сиёсати”ни тасдиқлаш ва жорий этиш лозим (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Даромадлар ҳисоб-китоби бўйича корхона сиёсати

№	Хизмат тури	Даромадни ҳисоблашга асос бўлувчи база суммаси	Бир бирлик хизматнинг сотиш нархи (тарифи)	Даромад суммаси	Гувоҳлик берувчи ҳужжат
1	2	3	4	5	6

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда “Даромадлар ҳисоб-китоби бўйича корхонасиёсати”ни белгилаш тартиби телефон алоқаси хизматлари мисолида кўрсатиб берилди.

Телефон сўзлашувларидан олинадиган даромадларни (Д) ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилди:

$$Д=Мт=Фд*Тн¹$$

¹ Муаллиф ишланмаси

Бу ерда: **Мт** – мижоз тўлови, **Фд** – фойдаланилган дақиқа, **Тн** – бир дақиқанинг тариф нархи.

Интернет хизматларидан олинган даромадларни (**Д**) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилди:

$$Д=Ит = Фмб*Тн^2$$

Бу ерда: **Ит** – интернет тўплам нархи (агарда тўплам харид қилинмаган бўлса $Ит=0$), **Фмб** – фойдаланилган мб, **Тн** – бир мбнинг тариф нархи.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ҳисобини бош офис, филиаллар, боғламалар, даромад гуруҳлари ва турлари кесимида сегментар ҳисобини юритиш учун 9030 “Бажарилган иш ва хизматлардан даромадлар” синтетик счётининг қуйидаги 4 даражали иерархик таркибини белгилаш тавсия этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Алоқа ва ахборотлаштириш субъектларида 9030 “Бажарилган иш ва хизматлардан даромадлар” синтетик счётининг тавсия этилаётган иерархик тузилиши³

Т/р	Счётлар мақоми ва даражаси	Сегментлар				
		Бош офис	Филиаллар	Боғламалар	Даромад гуруҳлари	Даромад турлари
1	1- даражали синтетик счёт	9000	Счёт маълумоти корхона бўйича ва “Молиявий натижа-лар тўғрисида ҳисобот”ни 010 сатрини тўлдиришга асос бўлади			
2	2- даражали синтетик счёт		9001-9030	Счётлар “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни 010 сатрида кўрсатилган маълумотни филиаллар кесимида тафсилотини очиб беради		
3	3- даражали синтетик счёт			900101-900110, 903001-903010	Счётлар филиаллар даромадини унинг гуруҳлари кесимида тафсилотини очиб беради	
4	4- даражали синтетик счёт				90010101-90010120, 90300101-90300120	Счётлар филиаллар алоҳида гуруҳга ажратилган даромадини уларнинг турлари

² Муаллиф ишланмаси

³ Муаллиф ишланмаси

						кесимида тафсилотини очиб беради
--	--	--	--	--	--	--

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг бош офисда унга қирувчи филиаллар ва боғламалар кесимида улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг барча турлари бўйича олинган даромадни тан олиш, баҳолаш ва ҳужжатли асосини ўзида мужассамлаштирувчи қуйидаги шаклдаги “Даромадлар ҳисоб-китоби бўйича корхона сиёсати”ни тасдиқлаш ва жорий этиш лозим.

2. Алоқа хизматларидан олинган даромадларни уларни турлари бўйича тан олиш меъзонлари ишлаб чиқилди ва формулаларда акс эттирилди.

3. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда даромадлар ҳисобини бош офис, филиаллар, боғламалар, даромад гуруҳлари ва турлари кесимида сегментар ҳисобини юритиш учун 9030 “Бажарилган иш ва хизматлардан даромадлар” синтетик счётининг қуйидаги 4 даражали иерархик таркиби ишлаб чиқилди. Бу эса ўз навбатида даромадлар ҳисобини бош офис, филиаллар ва боғламаларнинг даромад гуруҳлари ва турлари кесимида аниқ ҳисоблашга ва маълумотлар шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Urazov K. B. *Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.* – Т.: О'қитувчи, 2004.

2. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 23.

3. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.